

UDK 581.524.32

ШИФОБАХШ ДОРИВОР *ORIGANUM TUTANTUM L.* ЎСИМЛИГИ ИНТРОДУКЦИЯ ШАРОИТИДА УРУҒ УНУВЧАНЛИГИ

Бобоева Хуршида Бурхоновна.

Самарқанд давлат ветеринария
медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар
университети мустақил тадқиқотчиси
xurshidaboboyeva60@gmail.com

Аннотация Илмий тадқиқотимизда доривор майда гулли тоғ райхони *Origanum tyttanthum L* уруғларининг дала шароитида генератив (уруғ) усулда қўпайтириш жараёнларини кузатишни 2021, 2022, ва 2023 йилларда Самарқанд вилоятининг эскитдан суғориладиган типик бўз тупроқ иқлим шароитида амалга оширдик. Майда гулли тоғ райхони уруғлари икки хил вақтда баҳор ва куз ойларида, 45x30см, 60x30см, 90x30см экилди ва уруғ унувчанлиги ўрганилди.

Калит сўзлар; *Origanum tyttanthum L*, доивор ўсимлик, интродукция, биотехнология, доривор ўсимликлар, тупроқ хоссалари, агроэкология, микробиологик фаоллик, эрозия, экологик барқарорлик.

ЛЕКАРСТВЕННОЕ ЦЕЛЕБНОЕ РАСТЕНИЕ *ORIGANUM TUTANTUM L.* ВСХОЖДЕМОСТЬ СЕМЯН В УСЛОВИЯХ ИНТРОДУКЦИИ

Бобоева Хуршида Бурхоновна. Независимый исследователь Самаркандского государственного университета ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологий

Аннотация

В нашем научном исследовании в 2021, 2022 и 2023 годах были изучены процессы генеративного (семенного) размножения лекарственного мелкоцветкового горного душица *Origanum tyttanthum* L. в полевых условиях, в типичной сероземной почве с древней ирригацией Самаркандской области. Семена мелкоцветкового горного душица были посеяны в два периода — весной и осенью — с междурядьями 45х30 см, 60х30 см и 90х30 см, и была изучена их всхожесть.

Ключевые слова: *Origanum tyttanthum* L., лекарственное растение, интродукция, биотехнология, лекарственные растения, свойства почвы, агроэкология, микробиологическая активность, эрозия, экологическая устойчивость.

MEDICINAL HEALING PLANT ORIGANUM TUTANTUM L. SEED GERMINATION UNDER INTRODUCTION CONDITIONS

Boboyeva Hurshida Burhonovna. Independent researcher at Samarkand State University of Veterinary Medicine, Livestock, and Biotechnology

Abstract

The introduction and bioecological characteristics of the medicinal small-flowered mountain oregano, *Origanum tyttanthum* L., were studied under the climatic and soil conditions of the Samarkand oasis. These scientific investigations aimed to enrich the local flora with diverse medicinal plants and meet the increasing demand of the regional pharmaceutical industry for raw materials by introducing a promising medicinal species. Field experiments on seed propagation of *Origanum tyttanthum* L. were conducted in typical gray soil climate conditions of the Samarkand region during 2021, 2022, and 2023. Seeds were sown in two seasons—spring and autumn—across different planting schemes (45×30 cm, 60×30 cm, and 90×30 cm).

Keywords: *Origanum tyttanthum* L., medicinal plant, introduction, bioecology, seed germination, field conditions, Samarkand region, ecological conditions, plant propagation, sowing time, phenophase, pharmaceutical industry.

Дунё мамлакатларида бугунги кунда биологик хилма-хилликни сақлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш муаммоси энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, ушбу муаммонни хал этишда табиий ҳолда ўсувчи доривор ўсимлик турларини кўпайтириш ва уларнинг уруғчилигини йўлга қўйиш муҳим ўрин тутди, унинг асосий тадқиқотлари табиий ва маданий флора ўсимликларини интродукция қилишга қаратилган.

Мамлакатимизда таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш, фармацевтика саноатини халқаро талабларга жавоб берадиган доривор ўсимликлар хом ашёси билан узлуксиз таъминлаш, импорт ҳажмларини камайтириш, хорижий давлатларда талаб юқори бўлган турларини плантация усулида кўпайтириш орқали экспорт ҳажмларини ошириш, ёввойи ҳолдаги доривор ўсимликларни сақлаш ва майдонларини кенгайтириш борасида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ушбу тадқиқот мавзусини долзарблигини белгилайди.

Биз илмий тадқиқотимизда доривор майда гулли тоғ райхони *Origanum tyttanthum* L уруғларининг дала шароитида генератив (уруғ) усулда кўпайтириш жараёнларини кузатишни 2021, 2022, ва 2023 йилларда Самарқанд вилоятининг эскитдан суғориладиган типик бўз тупроқ иқлим шароитида амалга оширдик. Майда гулли тоғ райхони уруғлари икки хил вақтда баҳор ва куз ойларида, 45х30см, 60х30см, 90х30см экилди ва уруғ унувчанлиги ўрганилди.

Ўсимликларнинг оптимал екиш муддатларини аниқлашда унинг дала унувчанлигини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. *Origanum tyttanthum* L уруғининг униб чиқишига экиш муддатларининг таъсири бўйича ўзимизда ва хорижий давлатларда олиб борилган кузатишлар соҳасида аниқ маълумотлар топмадик.

Шу муаммони ҳал қилиш мақсадида биз *Origanum tyttanthum* L уруғининг униб чиқишига экиш муддатларининг таъсирини ўрганишни мақсад қилиб олдик.




2021 yil dorivor (*Origanum tyttanthum* L.) ning urug'ini dala sharoitida unib chiqishi

Origanum tyttanthum L нинг онтогенезини ўрганиш натижасида маълум бўлдики, уларни уруғларининг унвчанлик хусусияти юқори бўлиб тупроқ иқлим шароитларига ҳам боғлиқ. Екиш учун ҳар бир вариантга 200 тадан тўлик, етилган уруғларни олиниб, экиш ишлари 1м² да кузда октябр ҳамда баҳорда март ойларида ўтказилди (3.4-3.5- расмлар).

Тажрибалар тўрт карра такрорланишда қўйилди. Барча тажриба майдонларида ўсимликларга ишлов берилиб, тупроқ юмшатиб чопик қилинди. Олинган маълумотларга қараганда уруғларнинг униб чиқишда муддатлар орасида кескин фарқлар борлиги аниқлади. Чунончи, уруғининг энг кўп униб чиқиш жараёни 15 октябр ойида экилган вариантда кузатилди.

Тажрибада экилган 200 dona urug'dan 180 tasi unib chiqib, умумий экилган уруғларнинг 90% ni tashkil etgan bo'lsa уруғларнинг eng kam unib chiqishi 15 aprel oyida ekilgan variantda kuzatildi (3.2-jadval). Дала тажрибамизда ушбу вариантда экилган 200 dona уруғларнинг atigi 50% unib чиққанлиги kuzatildi. Май ойида экилган уруғларнинг кам униб чиққанлигини уруғ униши учун зарур бўлган тупроқ харорати ва об-хаво хароратининг паст бўлиши билан изохладик.



Экиш чуқурлигини *Origanum tyttanthum L* уруғларининг дала унубчанлигига таъсири

Бизга маълумки, ўсимликлардан юқори ҳосил олишнинг муҳим омилларидан бири бу уруғнинг екиш чуқурлигини аниқлашдан иборатдир. Бу соҳада айниқса майда уруғли ўсимликлар уруғининг унуб чикишини аниқлаш бўйича аниқ бир маълумотлар йўқ. Тадқиқотчи олимларнинг фикрича майда уруғли ўсимликларнинг уруғини кўммасдан екиш маъқул, чунки уларни кўмиш уруғнинг унуб чикиш қобилятини сусайтиради дэса, бошқа бир олимлар аксинча уруғларни кўмиб экиш албатта зарур эканлигини таъкидлайдилар.

Ушбу масалани ҳал қилиш мақсадида биз доривор майда гулли тоғ райхони (*Origanum tyttanthum L* уруғини ҳар хил чуқурликда (0,3 см, 0,5 см, 1см, 2см, 3см ва 4см) екиб тажриба ўтказдик. Экиш учун ҳар бир вариантда 100 та уруғ санаб олиб 1м² га екилди. Олинган маълумотлар 3.5-жадвалда келтирилган.

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, 0,3 см да экилган уруғлардан 59 та унуб чиқиб 59% ни ташкил қилган бўлса уруғнинг энг кўп унубчанлиги 0,5 см чуқурликда экилган вариантда кузатилиб, бу кўрсаткич 89% ни ташкил етди ёки 100 та экилган уруғдан 89 таси унуб чиқди. Екиш чуқурлиги

ортиб борган сари унувчанлик даражаси камайиб борди ва энг кам унувчанлик уруғ 3 см чуқурликда экилган вариантда кузатилди. Бу вариантда 100 та экилган уруғдан атига 10 таси униб чиқиб, 10% ни ташкил етди. Экиш чуқурлиги 4 см ни ташкил этган вариантларда уруғлар умуман униб чиқмади.

Демак экиш чуқурлиги уруғларнинг униб чиқишида муҳим эдафик омил бўлиб, ўсимликнинг онтогенетик босқичларини бошланғич даврларида муҳим аҳамиятга эга.

Таҷрибамиза майда гулли тоғ тайхони экилган уруғларининг унувчанлик қобиляти экиш чуқурлигига тескари пропорционал равишда боришини кузатдик.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Интродукция и селекция ароматических и лекарственных растений. Методологические и методические аспекты / В. П. Исиков, В. Д. Работягов, Л. А. Хлыпенко и др. - Ялта, Никитский ботанический сад, 2009. - 110 с.
2. Исиков, В. П. Грибы на ароматических и лекарственных растениях, культивируемых в Крыму / В. П. Исиков, Н. С. Овчаренко // Труды Никитского Ботсада. - 2011. - Т. 133. - С 62-90.
106. Либусь, О. К. Эфиромасличные и пряно-ароматические растения / О. К. Либусь, В. Д. Работягов, С. П. Кутько, Л. А. Хлыпенко. - Херсон: Айлант, 2004.- 270 с.
3. Либусь, О. К. Эфирные масла Ароматерапия / О. К. Либусь, В. Д. Работягов, Н. Н. Бакова, Л. А. Хлыпенко. - Донец, ЗАО «Кедр», 2001. - 33 с.
- Olim K. Khojimatov, Dilovar T.Khamraeva, Alisher N. Khujanov and Rainer W. Bussmann. An overview of Ethnomedicinal plants of Uzbekistan. Ethnobotany Research & Applications. 2020. Pp. 1-19
- 4.Исмоилова С. “Фармацевтика саноати учун ноёб доривор ўсим-ликларни етиштириш”, "Science and Education" Scientific Journal Volume 1 Issue 3 June 2020 111 www.openscience.uz